

Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқариши

2026 йил январь ойи учун

- I. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони
- II. Ўзбекистон Республикаси саноатининг асосий кўрсаткичлари
- III. Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш
- IV. Саноат ишлаб чиқариши бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар


I. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони

2026 йилнинг 1 февраль ҳолатига кўра, республикада 60,6 мингта саноат корхонаси фаолият юритмоқда. Асосий иқтисодий фаолият турлари кесимида корхоналарнинг катта қисми қуйидагиларга:

- озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 12,1 мингта (20,1 %);
- бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш – 8,4 мингта (13,8 %);
- кийим ишлаб чиқариш – 6,1 мингта (10,0 %);
- тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш – 4,9 мингта (8,1 %);
- мебель ишлаб чиқариш – 4,2 мингта (6,9 %);
- тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш – 3,7 мингта (6,2 %);
- резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш – 2,9 мингта (4,7 %) тўғри келди.

Асосий иқтисодий фаолият турлари кесимида саноат корхоналари улуши

2026 йил 1 февраль ҳолатига кўра



II. Ўзбекистон Республикаси саноатининг асосий кўрсаткичлари

2026 йилнинг январь ойида республика корхоналари томонидан 85,1 трлн сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан солиштирилганда 7,8 фоизга ошган.

	Ҳажми, млрд сўм	Физик ҳажм индекси, % да
Ўзбекистон Республикаси	85 057,6	107,8
<i>ҳудудлар:</i>		
Қорақалпоғистон Республикаси	2 111,7	106,0
Андижон вилояти	4 424,2	108,2
Бухоро вилояти	3 190,4	107,8
Жиззах вилояти	2 477,4	108,1
Қашқадарё вилояти	2 791,5	105,1
Навоий вилояти	27 126,6	108,2
Наманган вилояти	2 784,3	108,6
Самарқанд вилояти	3 784,9	108,4
Сурхондарё вилояти	1 059,8	108,9
Сирдарё вилояти ¹⁾	2 411,7	108,4
Тошкент вилояти	12 179,9	106,8
Фарғона вилояти	3 512,1	107,6
Хоразм вилояти	1 941,3	107,5
Тошкент шаҳри	13 853,1	107,1

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари \(ойлик\)](#)

[Саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари \(йиллик\)](#)

[Саноат ишлаб чиқариши физик ҳажм индекси \(ойлик\)](#)

[Саноат ишлаб чиқариши физик ҳажм индекси \(йиллик\)](#)


Аҳоли жон бошига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми таҳлил қилинганда Навоий вилоятида (24,6 млн сўм), Тошкент шаҳрида (4,4 млн сўм), Тошкент вилоятида (3,9 млн сўм), Сирдарё вилоятида (2,6 млн сўм) республика ўртача кўрсаткичи (2,2 млн сўм)дан юқори натижалар қайд этилган.

Шунингдек, республикада аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 105,7 % ни ташкил этган бўлса, Сирдарё вилоятида 106,6 %, Наманган вилоятида 106,5 %, Сурхондарё ва Навоий вилоятида 106,4 %, Самарқанд вилоятида 106,3 %га эга бўлиб, республика кўрсаткичидан юқори натижа қайд этилмоқда.

¹⁾Вилоятда янги ишга туширилган давлат хусусий шерикчилик асосида фаолият юритаётган электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳажми қамровини такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда.

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми январь ойида



Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми \(йиллик\)](#)

[Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми \(ойлик\)](#)

Саноат ишлаб чиқаришининг асосий тармоқлари

2026 йилнинг январь ойида саноат ишлаб чиқариши таркибида энг катта улуш ишлаб чиқарадиган саноат ҳиссасига тўғри келиб, 70,7 трлн сўмни, жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 83,1 фоизни ташкил этган ҳолда тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашда 6,5 трлн сўм (7,6 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда 7,4 трлн сўм (8,7 %) ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишда 0,5 трлн сўм (0,6 %)ни ташкил этди.

Секциялар бўйича саноат ишлаб чиқариши 2026 йилнинг январь ойида



Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг таркиби 4 та В, С, D, E секциядан иборат:

В – тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш;

С – ишлаб чиқариш саноати;

Д – электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш;

Е – сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилишдан ташкил топган.

III. Йирик саноат корхоналари томонидан айрим турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш

2026 йил январь ойида республикада қуйидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди: табиий газ – 3,7 млрд м³, нефть – 54,1 минг т, кўмир – 0,4 млн т, автомобиль бензини - 110,6 минг т, дизель ёқилғиси – 81,0 минг т, портландцемент – 1,0 млн т, ип калава – 49,6 минг т, юмшоқ буғдой ва спельта уни – 92,0 минг т.

Саноат маҳсулотлари	2024 йил январь ¹⁾	2025 йил январь ¹⁾	2026 йил январь
Автомобиль двигателлари, дона	13 915	7 795	10 222
Автомобиль бензини, минг т	124,6	99,0	110,6
Дизель ёқилғиси, минг т	50,2	33,2	81,0
Кўмир, млн т	0,4	0,4	0,4
Нефть, минг т	60,4	55,1	54,1
Табиий газ, млрд м ³	4,0	4,0	3,7
Газ конденсати, минг т	111,7	99,7	83,4
Портландцемент, млн т	0,9	0,9	1,0

¹⁾ 2024-2025-йилларнинг январь ойи учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган Мавзуга доир кўрсаткичлар:


[Айрим турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми \(йиллик\)](#)

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибига кирувчи айрим иқтисодий фаолият турларининг саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари

Ишлаб чиқарадиган саноат таркибида озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 16,2 %, тўқимачилик маҳсулотлари, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг улуши – 11,7 %, машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар, компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар, электр ускуналар, бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар, автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим тиркамалар, бошқа транспорт ускуналари ишлаб чиқариш ва машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатишнинг улуши – 14,5 % ҳамда кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришнинг улуши – 6,4 фоизни ташкил этди.

Ишлаб чиқарадиган саноатнинг технологик таркиби ва улуши

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирганда ишлаб чиқарадиган саноат таркибида юқори технологияли тармоқнинг улуши 1,1 фоизни, ўрта-юқори технологияли – 16,7 %, ўрта-қуйи технологияли – 50,9 %, қуйи технологияли - 31,2 фоизни ташкил этган.



Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган автомобиллар сони январь ойида, донада

Саноат маҳсулотлари	2025 йил	2026 йил
Юк автомобиллари	180	233
Енгил автомобиллар	15 613	22 099
<i>шундан:</i>		
<i>Махсус енгил автомобиллар</i>	645	2 062
“Cobalt”	5 660	6 993
“Damas”	2 765	3 628
“Gentra”	-	-
“Tracker”	1 334	1 900
“Onix”	1 462	1 974
“KIA”	1 978	2 298
“Chery”	594	757
“Haval”	373	1 135
“BYD”	802	1 352
“Tank 500”	-	-
“LADA”	-	-

Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш соҳаси

2026 йилнинг январь ойида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан электр энергияси ишлаб чиқариш 108,0 фоизни, йирик корхоналар томонидан иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш эса 89,7 фоизни ташкил этди.

Саноат маҳсулотлари	2024 йил январь ¹⁾	2025 йил январь	2026 йил январь
Жами ишлаб чиқарилган электр энергияси, млн кВт соат	7 576,5	7 573,2	8 182,1
<i>шундан:</i>			
<i>йирик корхоналар томонидан (ҳисобот маълумотларига асосан)</i>	7 061,2	6 003,3	5 880,8
<i>кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан (кузатув маълумотлари асосида)</i>	515,3	1 569,9	2 301,3
Иссиқлик энергияси, минг Гкал (йирик корхоналар)	2 874,9	2 754,5	2 471,7
Кўмирни ер остида газга айлантириш натижасида ҳосил бўлган газ, млн м ³ (йирик корхоналар)	13,8	15,3	-

Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш соҳаси (йирик корхоналар томонидан)

Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тўқимачилик чиқиндиларида 1,2 фоизга, оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматларда 32,2 фоизга кўпайиш кузатилди.

Саноат маҳсулотлари	2024 йил январь ¹⁾	2025 йил январь ¹⁾	2026 йил январь
Оқова сувларни йўқотиш, транспортировка қилиш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, млрд сўм	48,2	52,1	68,9
Ахлат ўраларини, тиндиргичларни ва септикларни бўшатиш, тозалаш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, млн сўм	38,0	35,8	33,2
Тўқимачилик чиқиндилари, т	1 450,0	1 876,0	1 899,0

¹⁾ 2024-2025-йилларнинг январь ойи учун ишлаб чиқариш ҳажмлари корхоналар томонидан йиллик балансга мувофиқ аниқлик киритилган маълумотлар асосида шакллантирилган



IV. Услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

Саноат ишлаб чиқариши ҳажми тўғрисидаги маълумотларни маҳсулот турлари бўйича шакллантириш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотлар (товарлар, ишлар, хизматлар)нинг статистик таснифлагичи (ЎзДСт 2914:2014) кодларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Буларга тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш, ишлаб чиқарадиган саноат, электр энергияси, газ, буғ ва кондицияланган ҳаво, сув билан таъминлаш, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланиш бўйича хизматлар (B, C, D, E секциялари) киради.

Фойдали ҳаволалар

<https://lib.stat.uz/uz/features/sanoat/679-sanoat-ishlab-chiqarishining-umumiy-hajmi-giymatini-baholash-bo-yicha-uslubiy-nizom-ni-tasdiqlash-to-g-risida>

<https://lib.stat.uz/uz/features/sanoat/477-erbgheheh5446456>

Тайёрлаш учун масъул:
Саноат ва энергетика
статистикаси бошқармаси

Ижрочи:
О. Измаилов
+998 71 203-80-00 (1205)

Манзил:

